

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MILLIY GVARDIYASI**

**HARBIY-TEXNIK INSTITUTI**



**HARBIY VATANPARVARLIK – YUKSAK  
ISHONCH VA SADOQAT TIMSOLI**  
mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi



**TOSHKENT - 2020**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MILLIY GVARDIYASI**

**HARBIY-TEXNIK INSTITUTI**

Uzratchisi:	Xudoyberganov Y.A. falsafa fakulteti dotsenti, dotsenti v.v.b.
Uzratchisi:	Yusupova D.D. falsafa fakulteti ta'lim va falsafa kafedrasining dotsenti (Ph.D)
Uzratchilar:	Musayev P.A. falsafa fakulteti dotsenti, professor v.v.b.
	Raximov J. pedagogika fakulteti dotsenti, dotsenti v.v.b.

**HARBIY VATANPARVARLIK – YUKSAK  
ISHONCH VA SADOQAT TIMSOLI**  
**mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi**  
**materillari to‘plami**

2020 yil 11 yanvar

**KBK-26.8 O‘- 23**

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik institutining Ilmiy kengashi tomonidan nashrga tavsiya etilgan. (2020 yil \_\_\_\_\_-sonli bayonnoma)

<b>Mas’ul muharrir:</b>	<b>Abduxalikov S.</b> falsafa fanlari doktori, professor v.v.b.
<b>Tahrir hayati a’zolari:</b>	<b>Xudoyqulov Y.A.</b> falsafa fanlari nomzodi, dotsent v.v.b. <b>Yusupova D.D.</b> falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
<b>Taqrizchilar:</b>	<b>Musayev F.A.</b> falsafa fanlari doktori, professor v.v.b. <b>Raximov J.</b> pedagogika fanlari nomzodi, dotsent v.v.b.

**Harbiy vatanparvarlik – yuksak ishonch va sadoqat timsoli.** //Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to‘plami. –T., 2020 y. 389 bet.

Mazkur ilmiy-amaliy konferensiya O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2019 yil 13 dekabrda imzolangan “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 28 yilligi hamda Vatan himoyachilari kunini nishonlashga tayyorgarlik ko‘rish va o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi №F – 5529 farmoyishi ijrosini ta‘minlash maqsadiga bag‘ishlangan.

Mamlakatimizda olib borilayotgan keng qamrovli islohotlarning ustuvor yo‘nalishlaridan biri – bu albatta fuqarolarda, ayniqsa, yoshlarda vatanparvarlik va harbiy vatanparvarlikni shakllantirish hisoblanadi. To‘plamda vatanparvarlik va harbiy vatanparvarlikni shakllantirish borasida soha mutaxassislari va olimlar, magistr, kursant va bakalavrlarning nazariy va ilmiy-amaliy fikr-mulohazalari, taklif va tavsiyalari berilgan.

To‘plam gumanitar va ijtimoiy fanlar sohasi olimlari, professor-o‘qituvchilar, mustaqil izlanuvchilar uchun mo‘ljallangan.

To‘plamga kiritilgan g‘oya va fikrlar, foydalanilgan misol va ma’lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

ko‘rish mumkin. Belgiya va Latviyada Ibn Sinoga, Latviyada Mirzo Ulug‘bekka, Yaponiya, Rossiya va Ozarboyjonda Alisher Navoiyga, Misrda Ahmad Farg‘oniyga o‘rnatilgan haykallar xalqimizning shonli tarixiga alohida hurmat ifodasidir. Shuning uchun ham, buni chuqur anglash, ajdodlar ruhiga munosib bo‘lish, kelajak avlod faxrlanadigan vatanparvar insonlar bo‘lish bizning birinchi galdagi burchimizdir.

Bir so‘z bilan aytganda, milliy qadriyatlarmiz bugungi kun yoshlari ma‘naviyatining shakllanishida, ularni harbiy-vatanparvar ruhda tarbiyalashda va bilim doirasini kengaytirishda alohida o‘ringa egadir.

#### **Foydanilgan adabiyotlar**

1. Sh.Mirziyoev “Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz”. T.: - “O‘zbekiston”-2017y.
2. Sh.Mirziyoevning xavfsizlik kengashi majlisidagi “Qurolli Kuchlarimizmamlakatimiz barqarorligi va taraqqiyotining mustahkam kafolatidir” mavzusidagi nuqidan.
3. Islom Karimov. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. T.: - “O‘zbekiston”-2002y. 29 b.
4. Qadr-qimmatim, tayanchim va iftixorimsan, mustaqil O‘zbekiston! Uslubiy qo‘llanma. T 2013y.
5. Yagonasan. muqaddas vatanim, sevgi va sadoqatim senga baxshida, go‘zal O‘zbekistonim! Uslubiy qo‘llanma. T 2014y.
6. Internet ma‘lumotlar.

#### **ВАТАНПАРВАРЛИК - ШАХС МАЪНАВИЯТИНИНГ МЕЗОНИ**

**Ҳикматов А. И.**

БухДУ Ҳарбий таълим факультети  
Махсус тайёргарлик цикли ўқитувчиси

Ватан – бу аجدодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган заминдир.

“Ватанни севмоқ иймондандир” дейилган муқаддас ҳадиси шарифларда Яъни иймони бут, виждони пок ҳар бир инсон ватанни севади, уни ғанимлар

кўзидан асрайди, унинг яшнаши ва яшаши, хурлиги учун курашади. Булар айнан ватанпарварлик асосий белгилари сифатида тилга олинади. Шунингдек ҳар бир инсон ватан камолоти ва истиқболи, эл-юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун ҳамма нарсани, хатто ширин жонини ҳам аямайди. Бу гоёлар ота-бобларимизга сингдирилган дунёқараш ҳисобланади. Бу ҳақда сўз кетганда мавлоно Фузулийнинг, менинг битта хаётим бор, бордию мингта хаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим, деб айтган сўзлари ҳар биримиз учун бебаҳо ўғитдир. Бир сўз билан айтганда боболаримизга хос бўлган ватанпарварликнинг таркибий қисмлари сифатида юқорида айтилган омилларни санаб ўтиш мумкин. Афсуски сўнгги пайтларда халқимиз орасида ватанпарварлик туйғусини йўқолиб бораётганлиги ачинарлидир. Шундай экан биз халқимизга ўша ватанпарварликни қайтариш йўлида катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

Тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига гоёт буюк вазифани юклади. Яъни халқимизни собиқ иттифоқнинг мустабид сиёсати ва глобаллашувнинг таъсирида шаклланган лоқайдлик ва бефарқлик сингари салбий иллатларни йўқотиш ва ватанпарварликни шакллантириш ҳамда буюк лойиҳаларга сафарбар этиш масъулиятини юклади. Бу Ватанимиз кучқудратини мустаҳкамлаш, унинг довуғини олам узра ёйиш, шухратига шухрат қўшишдир.

Таъкидлаш жоиз миллий мустақиллик - халқимизда, айниқса ўсиб келаётган ёш баркамол авлодимизда ватанпарварлик туйғуларининг тикланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирда ватанпарварлик ўзининг қандай қирралари билан намоён бўлаётир? Ватанпарварликнинг моҳияти нималарда, қандай амалий ишлар фаолиятида намоён бўлади? Умуман ватанпарварлик нима, уни қандай тушунмоқ керак? Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги ота - боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир. Саодатли, бахтли, келажаги буюк Ўзбекистонга ҳозир ҳар

дақиқада улуш қўшмоқ, ватанга мухаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ери, суви, эли билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран англаш, уни ардоқлаш ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши, қирраси.

Ватанпарварликни энг олий туйғу сифатида ўтмиш мутафаккирлари алоҳида қайд этганлар ва ўзлари ҳам унга содиқ қолганлар.

Немис файласуфи Гегелга кўра маърифатли халқларнинг хақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга hozир эканликларида акс этади.

Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди деган фикрни билдиради инглиз шоири Байрон.

Рус танқидчиси Белинскийнинг фикрича кимки ўз Ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас.

Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов айтганидек: “Ватанга мухаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, наслнасабини билгани сари юрагида Ватанга мухаббат туйғусини илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга мухаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”[1].

Ватанпарварлик деганда яна қуйидагиларни англаш жоиз:

- ўз халқини, тарихини яхши билиш ва у билан фахрланиш;
- қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аждодлар яратган моддий ва маънавий меросларни кўз қорачиғидай асраш ва авлодларга тақдим этиш;
- халқимизнинг, аждодларимизнинг гўзал ва маъноли урф-одатлар, расм-русум ва удумларини қадрлай билиш, уларни давом эттириш;
- ажойиб ватандошлар - аждодлар номи билан, уларнинг улуғ ишлари, ижодлари билан фахрланиш, уларнинг ишларини давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлиш;
- шундай ажойиб халққа, юртга, унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фахрланиш;

- Туронзаминни химоя қилиб, томирида охирги қони қолгунча душманга қарши курашган баходирларни, аёвсиз жангларда халок бўлган қахрамонлар номини ёд этиш;

- бу азиз ва гўзал ватанимизда юксак эътиқод билан яшаш, унга хамиша садоқатли бўлишдир.

- Ватанпарварлик ҳаммамизнинг ўз ишимизга масъулият билан қараш, ватаннинг бойликларини кўз қорачиғидай асраш, бойликларига бойлик қўшишга ўз улушимизни қўшиш, илм-фан чўққилари сари интилиш ва бошқалардир.

- она юртимизда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилиш ватанпарварликнинг белгисидир;

- ватанпарварлик – халқаро муносабатларда ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйишдир.

Ватанпарварлик ҳақида сўзлар эканмиз, мустақиллик бизга инъом этган ватанпарварликнинг олий рамзлари ҳақида сўзламасдан илож йўқ. Ватанпарварликнинг олий рамзлари халқимиз, ёшларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олаётганлиги ниҳоятда қувончлидир. “Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Улар она ватан - Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат тўйғусини тарбиялайди”.

Хулоса шуки, фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар қаричига меҳру мухаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва юксак маъсулият юклайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 22-бет.
2. Иброхимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., 1996 й.
3. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т., 1996 й.

58	Axtamova Q. R.	Milliy Armiyamiz – tinchligimiz qalqoni	246-248
59	Рахманов Ф.	Миллий гвардия жанговар-хизмат фаолияти самарадорлигига ҳарбий хизматчилар ҳарбий ватанпарварлик сифатларининг таъсири	248-253
60	Кахарова М	Бу кўнгил Ватан дер, кўзимда Ватан	253-259
61	Эрназарова Ё.О.	Ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик ва садоқат фазилатларининг устуворлигини таъминлаш ва касб маданиятини такомиллаштириш	259-264
62	Ташкенбаева Д.А.	Значение дисциплины «История Узбекистана» в военных и технических вузах Узбекистана	264-268
63	Ташкенбаев Т.Т.	Важность реализуемых программ «Молодежь наше будущее» – важный фактор по повышению духовного и нравственного потенциала современной молодежи Узбекистана.	269-273
64	Райимов А.	Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг аҳамияти	273-276
65	Хайдаров М.Ў.	Ёшларнинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ижтимоий-маданий технологияларни ўрни	277-279
66	Sattorov A.A., Yunusov D.B.	Amir Temur davlat boshqaruvi tarixini o'rganishning vatanparvarlikni mustahkamlashdagi ahamiyati	279-283
67	Saparov B., Savin Y.	Zahiriddin Muhammad Boburning harbiy mahorati	283-289
68	Holiqov I. R.	Tinchlikni ta'minlashning ma'rifiy mezonlari	289-293
69	Yunusov D.B., Usarkulov O.O.	Amir Temur harbiy san'atining vatanparvarlikni mustahkamlashdagi o'rni	294-299
70	Azamov T.T., Komilov O.	O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari — yurt tinchligi va xavfsizligi kafolati	299-301
71	Халикова У.	Интеллектуал салоҳиятли ёшлар кўнимсизлигининг ижтимоий омиллари	301-305
72	Хасанова М.С., Мирзахамдамова У.О.	Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбияси: маъсулият ва бурч муаммолари	305-308
73	Каримов Ў., Каримова Г.Ў., Жўраева Н.Н.	Ватанпарварлик – маънавий баркамоллик белгиси	308-312
74	Nosirov F.Sh.	Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda milliy qadriyatlarni ahamiyati	313-317
75	Ҳикматов А. И.	Ватанпарварлик - шахс маънавиятининг мезони	317-320
76	Nairov N.N. Temirova S.V.	Harbiy vatanparvarlik sadoqatimiz timsoli.	321-323
77	Олтибоев А.М.	Ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари	323-327
78	Rahmonberdiyeva S.M.	Yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbilashda musiqaning o'rni	327-329